

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ
ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ****Норбаев Ғолибжон Тохирович****Тошкент давлат иқтисодиёт унiversитети****<https://doi.org/10.5281/zenodo.10663085>**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аграр соҳанинг барча тармоқларини молиялаштириш, ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, аграр соҳани механизациялаш, маҳсулот етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойиллари кенг жорий этилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг қўшимча механизмлари ва молиявий воситаларини жорий этишни кенгайтириш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган.

Жамғарма томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида агротехник тадбирларни, жумладан, кузги шудгорлашни ва экин майдонларига минерал ўғитларни солишни ўз вақтида таъминлаш мақсадида 2022 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштириш харажатларини молиялаштириш тегишли молия йилидан олдинги йилнинг 1 ноябридан бошланди. Пахта йиғим-терими учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун компенсация тўлаш Жамғарма ҳисобидан амалга оширилади. Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

тижорат банкларига мақсадли ҳамда лизинг ташкилотларига қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг шартларида етказиб беришни молиялаштириш учун жойлаштирилган кредит ресурслари ҳамда қарз маблағларини қайтаришдан тушадиган тушумлар ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари;

Жамғарма томонидан сотиб олинган буғдойни харид қилиш (сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш харажатлари билан бирга) ва сотиш нархлари ўртасида юзага келган ижобий тафовут;


жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича валютанинг айирбошлаш курсининг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

жалб этиладиган кредитлар, шу жумладан, чет эл кредитлари ва инвестициялар, халқаро молия институтлари грантлари ва донор ташкилотларининг маблағлари;

Жамғарманинг маблағларини тижорат банкларига депозитга жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда уларнинг фоиз харажатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун субсидия ҳамда комбайнларни хорижда хизмат кўрсатиши (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларига компенсация тўлашга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

пахта йиғим-терими учун ажратиладиган тижорат кредитлар бўйича фоиз ставканинг бир қисмини қоплашга компенсация тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;
молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар, шу жумладан, бюджет ссудаси ва тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовутни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;
бюджет тизимининг бюджетларидан жалб қилинадиган маблағлар;
қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар¹.



1-расм. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг асосий вазифалари²

Шунингдек, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

пахта хомашёси, бугдой ҳамда асосий майдонларда экиладиган сабзаот маҳсулотларини етиштиришни молиялаштириш учун тижорат банкларига ресурс жойлаштириш;

Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таклифига асосан тижорат вакили билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони

² Муаллиф ишланмаси

биргаликда ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун хорижий давлатлардан буғдой сотиб олиш;

жалб қилинган бюджет ссудаси, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш;

жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича чет эл валютаси ва сўмдаги барча харажатларни, шунингдек, валюта курси ҳамда фоиз тўловлари бўйича юзага келадиган зарарларни қоплаш;

қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда уларнинг фоиз харажатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда субсидия тўлаш;

комбайнларнинг хорижда хизмат кўрсатиши (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларига қонунчиликда белгиланган миқдорда компенсация тўлаш;

пахта йиғим-терими учун тижорат кредитлар бўйича фоиз ставканинг бир қисмини қоплаш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда компенсация тўлаш;

Жамғарма томонидан сотиб олинган буғдойни харид қилиш (сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш харажатлари билан бирга) ва сотиш нархлари ўртасидаги салбий тафовут бўйича зарарларни қоплаш;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаментини сақлаш харажатларини молиялаштириш.

Юқорида келтирилган маълумотларга асоаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги такрор ишлаб чиқариш жараёнини сифат ва миқдор жиҳатдан самарали ташкил қилиш, тармоқни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва экологик соғлом қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”да ҳам қишлоқ хўжалиги тармоғини модернизация қилиш ва бошқарувнинг замонавий тизимини яратиш, соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш, банк ва бошқа ташкилотларнинг молиявий маблағлари ва хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш сингари бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон молия сиёсатининг ўзига хос жиҳати шундаки, хорижий кредит линиялари бўйича маблағлар узоқ муддатли асосда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига киритилган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаш, шунингдек, мамлакат иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, аграр соҳадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўлида жалб этилмоқда.

Кредит линияларини ресурслар, чет эл ускуналари ва технологияларини сотиб олиш, шунингдек, маҳаллий хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни, экспортга мўлжалланган маҳсулот, намунавий ёки халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқишини кўзда тутувчи, инвестициялар лойиҳаларини таъминлаш билан боғлиқ бошланғич ишчи капитални шакллантиришни молиялаш учун фойдаланилмоқда.

Иқтисодий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқнинг жадал ўсиши мамлакатда умумий иқтисодиётнинг ўсиши учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил топишининг дастлабки босқичида корхонани ташкил этаётган мулкдор ёки агар улар биттадан ортиқ бўлса, муассисларнинг сармояларига таянилади. Одатда, корхона мулкдорлари унинг ташкил топиши жараёнида тўланиши лозим бўлган турли тўловларни ўз сармоялари ҳисобидан амалга оширадилар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағлар жалб этишда, биринчи навбатда, ўзларида мавжуд мол-мулк ва жамғармаларга мурожаат этишга ҳаракат қиладилар. Чунки, бу корхона мустақиллигини таъминлашнинг энг мақбул йўлидир. Бироқ сўнги йилларда мамлакат раҳбарияти томонидан мамлакат аҳолисини озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи тузилмаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўпгина амалий чоралар кўрилмоқда.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” тўғрисидаги ПФ-5853-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони
4. Хамидов Б, Жуманиёзова М. Стратегические приоритеты сельского хозяйства. // Экономическое обозрение. 2020, №6. - стр 53
5. Тожибоева Д. Фермер хўжаликлари самарадорлигининг илмий-назарий асослари. // «Иқтисод ва молия», 2017, 12-сон. -17-б.
6. Мадалиев А. Илм-фан ва инновация –тараққиёт омили. // «Агро-илм», 2020, 1-сон. – 4-б.